



Кунинг каламни кувиб ўтавергач, бора – бора, ахли калам билан бир оиладек бўлиб кетаркансан. Кичкиналарни ука дейсан, катталарни ака, ёши ўтганларни ота, кексаларни бобо! Аммо Одил Ёкубов етмишдан ошиб, саксонни коралаганда хам, негадир хамма “Одил ака” деб чакиради. Сабаби, Одил ака жиддий киши бўлсада, ким билан сўзлашмасин, ўртага тўсик кўймасди. Одил ака ўзидан ўттиз – кирк ёш кичик билан хам тенгдоши билан гаплашгандай бемалол ўтиради. Гаплашганда нихоятда зийрак, нихоятда хушмуомала, илтифотли эди. Сухбатни майдалаштирмас, йўқ нарсалар хакида гапириб, вакт сарфламасди. Хазил – мутойибалари замирида албатта чукур хикмат ётар, оиласвий можоралару, сабзи – пиёзнинг ўйнаб – турган нархи хакида гап сўз бўлмасди. Кўпгина кариялар олтмиш – етмишдан ошгач акли заифлашиб, феъл – автори бўшашиб кетади ва нафакани ўз вактида келмаслиги-ю, набираларининг бежагимлигидан шикоятга ўтади.

Одил ака эса саксон ёшда хам бир кадам ортга чекинмайдиган, мард, катъиятли, темир иродали, кўркмас жангчига ўхшарди. Тафаккури шундай эди. Фикрлаш кобилияти забардаст ва юксак эди.

Буюк одамлар хакида ёзиш, ўкувчилар истагандай ёритиш, аник ва батафсил таъриф келтириш буюк асар ёзишдай эплаб бўлмайдиган иш. Айниса, Одил Ёкубовнинг хайбати олдида, улугворлиги олдида фактат таъзим ва хайратдан ёка ушлаш мумкин холос. Одил аканинг дахоси фактат кенг осмонгагина сигади.

Мажнун Лайлини бир умр ўтли харорат ва сўзсиз мухаббат билан севгани сингари Одил ака хам халк ва хакикатни бутун умри давомида оловли мухаббат билан изчил ва фидойи, жону – жахонини бериб севди.

Махаллийлик билан эмас, чучмал, юзаки, енгил – елпи сафсатабозлик билан эмас, Балъзак Францияни ва француз халкини, Толстой Россияни ва рус халкини, Габриэль Маркес Колумбияни ва колумб халкини севгандай севди ва юксакка кўтарди. Ўзининг киркдан ортик тилларга таржима килинган асарларида буни исботлаб берди. Одил ака миллатимиз каҳрамони эди.

Хаётининг сўнгги кунларида Одил ака хаста бўлиб колди. Кўнгилларини бироз кўтариш, бироз рухлантириш учун, – “Одил ака, сизни хар бир ўзбек хонадони севади, ўзбек китобхони согайиб кетишингизни дуо килиб турибди – деганимда, – Мен бу халк учун хеч нарса киломадим, хаётим хавога соврилди, мана Абдулла Кодирийни айтса бўлади, халк учун нимадир килди деб, Абдулхамид Чўлпонни айтса бўлади, Абдулла Ориповни айтса бўлади, мен хеч нарса киломадим – дея, чукур “ух” тортдилар. Бу шундай оғир “ух”

тортиш эди-ки, одамнинг сўнгги нафасидай оғир ва кўтариб бўлмасди. Бу икрорни Одил ака саксондан ўтиб айтган бўлса-да, ижодининг бошларидаёқ шу икрор билан ижод килди ва бир лахза бўлсин ўзига талабчанликни, каттикўлликни сўндирамади. А. Кодирийдай, А. Чўлпондай бўлиш орзузи билан бир умр яшади. Одил аканинг юкоридаги гаплари хеч кимдан хеч нарса таъма килмаётган, аксинча адабиёт олдида карздор эканлигини тъкидлаётган, камтар ва камсукум ижодкорнинг самимий сўзлари эди. Одил ака сухбатларининг бирида бобоси Ёкуб шайх бўлганлигини, советлар даври бошланиб, исломий уламолар бирин-кетин киргингаротга учраб жон саклаш амру – маҳол бўлган пайтлар хакида гапириб берганди. Бутун умри исломий хаёт билан яшаган шайх масjidга боролма йди, тўртта одамга кўшилиб номоз ўқийолмайди, номоз вакти келганда аzon айтиб, жумага чакиролмайди. Жойномоз тўшаса уйига бирор бостириб келадигандай жони халак. Худди дарёning йўлига тўгон ташлангандай. Номоз ўқимай деса, Худодан кўркади. Худога хиёнат килишдан, Яратганга осий бўлишдан кўркади. Шунда Ёкуб шайх ховли этагидаги тут дарахти ковагига бошини сукиб аzon айтиди. Бу аzon аzon эмас, Ёкуб шайхнинг фарёдидир, кўнгил нолаларири, замондан ёзгиришири, боскинчиларга карата исёни, кўл билан отолмаган тоши, тил билан айттолмаган нафрати, дил билан айтган лаънатномасидир. Нима бўлганда хам боскинчилар зулми, халкимизни кай даражада хору – зор килганига бу воеа шохид.

Одил ака хам адабиётимизнинг шайхи эди. Мен у кишини адабиётдаги ўрнини шу даража юкори кўярдимки, ялтокилик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, таъмагирлик билан адабиётни ёлгон - яшикка тўлдириб ташлаётганлардан кизгонардим.

Товус канчалик серхашам, сервикор бўлмасин кичкирганда ёкимсиз ва бехосият овоз чикаради. Баъзи ёзувчиларнинг бундай овозларидан гохида кочиб кутулолмайди киши. Уларни кўрганда Одил ака хам, худди бобоси сингари, тут ковагига бошини сукуб, дод деб юборса керак деб ўйлардим.

Тутуриксиз асарларни кўрганда, ўгри муттаҳамга карагандай каарди. Одил ака шу даражада сўз заргари, сўз шифокори эди-ки, гапириб турган одам, у кандай мавзуда, нима хакда гапириб турганидан катъий назар, сўзларига караб у ким ва кандай одам эканлигини билиб оларди. Худди шахматчи шахмат доналарини сурганда, кай даражада эканлиги яккол кўрингандай, футболчи ўйнаганда кай даражада эканлиги яккол кўрингандай, Одил ака хам гапириб турган одамнинг сўзларига караб кай даражадаги инсон эканлигини яккол кўриб турарди. Одил ака сўз санъаткори эди ва сўз илмини шу кадар мукаммал эгаллаган эди-ки, одамнинг оғзидан чиккан гап оркали, ўша одамнинг ичини, хаётини, бутун кисматини, бутун кусру – нуксонларини, фазилат-у, аслиятини яккол англаб оларди. Худди мохир шифокор кон томирларни ушлаб, одамнинг хаста ё согломлигини аниклагандай.

Шундай бўлсада Одил аканинг юзлаб турфа хил шогирдлари бор эди. Хаммаси ўзига хос ва хар хил фикрларди. Умуман, хурфиксрилик ва эркин мушохада хакида Одил аканинг ўз дунёкараши бор эди. У киши Ёзувчилар уюшмасига раис бўлиб, атрофига кўплаб, турфа хил фикрловчи шоир ва ёзувчилар йигилгандай, бир кизик гап айтгандилар: “Биласизларми, ўтовнинг тепасида туйнуғи бўлади. Ичкарида ёкилган оловнинг тутуни ўрлаб ўша туйнукдан чикиб кетади. Агар туйнук ёпилса, тутун ташкарига чиколмайди, ичкаридагиларни бўгиб, ўлдиради. Жамиятда хам эркин фикр бўлмаса, тутун ташкарига чикиб кетмаса, ўтвдагиларнинг ахволи вой!”.

Одил ака албатта эркинлик, хурфиксрилик деганда оғзига келганини гапирадиган, ўз манфаати учун гапирадиган кишиларни назарда тутмаганди, факат халк манфаатини

юкорига кўтарувчи, миллат шаънини юксалтирувчи, Мустакилликни улугловчи гояларнигина хакикий деб билар ва мана шу хакикат йўлида курашар, хеч качон хеч кимга ёмонликни раво кўрмасди. Бирорга ноҳак озор беришдан, ноҳак жазолашдан, ранжитишдан, кўнглини колдиришдан кўркар, амал курсисида мустахкам ўтириб, унча – мунча одамни яксон килиб юборишга кудрати етиб турган чогларда хам, замоннинг бевафолиги хакидаги бобоси Ёкуб шайхнинг гапларини ёддан чикармасди: – Отанг Эгамберди боскинчиларга ишониб коммунист бўлди, канча одамларнинг бошига мушкулот солди, аммо диёнатсиз золимлар унга вафо килмади, уни комунистларнинг ўзи ўлдирди. Шунинг учун хеч кимга хеч качон ёмонлик килма, факат яхшилик, яхшилик, яхшилик билан яшаш керак, – дерди.

Албатта, халк комиссари Эгамберди Ёкубов халк душмани сифатида 1937- йил отувга хукм килинади. У империяни кўркитаолган, ёвуз боскинчилар каршисида каддини тик тутган ва миллат учун ўлим шарафига мусассар бўлган ўзбек миллатининг мард ва фидойи фарзандларидан эди.

Одил Ёкубовнинг атрофида турли хил касб эгалари, ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, махалла оксоколлари, олимлар, ўқитувчилар.govjum бўларди. Энди ўйласам, бунинг сабаби, соҳалар турли бўлгани билан хакикат битта эканида экан.

Бир кун Одил аканинг олдига, сўзбоши ёздириш учун “Сизни севмай бўладими...” номли китобимни олиб борган эдим. Харкалай, буюк ёзувчи “ок йўл” ёзса, мактаниб юраман деб, иддао килган эдим. Китобдаги шеърлар, хикоялар асосан севги, мухаббат, ишк можаролари хакида эди. Буларнинг Одил акага нима алокази бор, энди ўйласам таажубланаман. Одил ака бир хафталар ўтиб, сўзбоши тайёр бўлганини айтиб колдилар. Китобим, ва сўзбошини кўлимга тутказар эканлар, “Энди ёшинг катта бўлиб колди, енгил – елпи ёзишни тўхтатиш керак. Одам хам мухаббат хакида шунчалик бўш ёзадими? Хакикатни ёзиш керак. Хакикий мухаббатни, астойдил, хеч нарсани беркитмай, ёзиш керак. Бутун фожиалари, дард – изтироблари, орзу – армонлари билан ёзиш керак. Юрагингда мухаббат борми ўзи? – дедилар ва жавоб хам кутмай, ёзганларнинг балки хозирги ёшларга ёкар. Энди севиш муаммо бўлмай колди-ку!” – дея кўшимча килдилар.

Мен, Одил аканинг биринчи гапиданок, ижодимдаги ўзим шу пайтгача кўрмаган, сезмаган камчиликни яккол кўрдим. Шу бир оғиз гапнинг ўзиёк мен учун бутун умримга татийдиган сабок бўлди.

Бир пайтлар Мухаммад Юсуф: – “Мухаббат хаммага хам насиб килавермайди. Аник биламанки, бу хаммага хам насиб килавермайдиган буюк – неъмат.

Инсонга кўрсатилган буюк - марҳамат. Худди омадга ўхшайди. Кимга мухаббат келса, одамнинг иши худди омади келгандай юришиб кетади. Шеър ёзиш учун хам катта калб керак. Катта мухаббат керак. Катта мухаббатли шоирлар буюк шеърлар ёзишади... ... Тўгрисини айтсам, юракдан бирорни яхши кўрганман дейишга виждоним кийналади. Тўгрисини айтсам, бутун умр китобдан бошимни кўтартмаган эканман. Шеърдан бошимни кўтартмаган эканман. Юрагимдан бирор кизни яхши кўриб, кечалари ухламай шеърлар ёзмаган эканман” – деганди. Ўша пайтлар Мухаммад Юсуфнинг бу гаплари жуда хайратлантирганди. Шоир ўзи севгани учун, ўзи куйиб пишиб дард – чеккани учун мухаббат хакида шеърлар ёзади, шеърларидағи қаҳрамон шоирнинг ўзи деб ўйлардим. Кейин билсам кўпгина шоирлар бирорнинг дардини хам худди ўзиникидай килиб ёзар экан. Худди маҳоратли актёр, мисол учун Шоҳруххонга ўхшаб. Агар, Шоҳруххон кинодаги қаҳрамонлари кечирган севгини ўз бошидан ўтказганда борми, аклдан озиши хеч гап эмас эди. Мухаммад Юсуф хам кўпинча шеърларини хаётдан олиб ёзарди.

Дўстларининг, таниш – билишларининг, кўрганлари, эшитганларини ёзарди. Албатта, шеърларидаги кўпгина дард – изтиробларни ўз бошидан кечирганди. Колаверса, М.Юсуфни “Юракдан бировни яхши кўрмаганман” деган сўзларини тўгри маънода тушунмаслик керак. “Янада кўпроқ, бундан хам каттирок севишим мумкин эди,” – деган маънода тушуниш керак.

Мен, хам Одил аканинг танбехини бундан хам оловлирок, бундан хам кучлирок севиш мумкин эди-ку, деган маънода тушундим ва кейинчалик харгал хоҳ у ўз дардим бўлсин, хоҳ бировнинг дард – алами бўлсин, мухабbat хакида шеър ёзганимда юракдаги мухабbatни бор хакикати билан, бутун изтироби билан, рўй – рост ёзишга уриндим. Ёзган пайтим Одил аканинг сиймоси кўз олдимга келадиган бўлди.

Одил аканинг “Музкаймок” деган хикояси бор. Бу муаллиф хаётидан олинган асар. Хикоя қаҳрамони – коммунист! Ўз хаётини, оиласини, фарзандларини ўйламай туну – кун ишлайди. Уйига келишга бир лахза вакт тополмайди. Аммо коммунистларнинг ўзи уни отишга хукм килади.

Хикоя қаҳрамони оиласи, фарзандлари билан абадул – абад хайрлашар экан, коммунистларни кўришга кўзи йўқ эканини, ўзбек миллати буюк миллат эканини, коммунистлардан ўч олиш лозимлигини, хакикатни юзага чикаролмай ўлиб кетаётганини айта олмайди.

Бор – йўги, – Ўглим, ота бўлиб сенга бир дона музкаймок олиб беролмадим-а, - дейди. Балки, 37- йилда музкаймок бўлмагандир, балки бўлгандир. Гап музкаймокда эмас. Гап, отанинг ўглига, “Мен бутун умр хакикат учун курашиб, хакикатни юзага чикаролмадим – дея, армон билан хаёт билан хайрлашганида.

Хакикатни юзага чикариш, хакикат учун курашиш Одил ака учун балки ўша кундан бошлаб бир умрлик эътиқод бўлиб колгандир?!

Хакикат учун курашиш, яшаш осон эмас. Халкимиз, тўгри гап тукканингга ёкмайди деб бекорга айтмайди. Лекин, тузсиз овкат bemаза бўлгани сингари, хакикатсиз яшаш хам беъмани. Одамлар ўз хаётини саклаш, енгил елпи хаёт кечириш, ёлгончилик, порахўрлик, айш – ишрат билан канчалик яшамасинлар, барибир хакикатга мухтоҷ бўлаверадилар. Хакикатсиз хаётда гўзаллик йўқ. Нур йўқ, файз – барака йўқ.

Одил ака хакикатни айтиш деганда, Чор Россияси Кавказ ўлкаларини босиб олаётганда Л. Толстой “Хожимурод” киссасини ёзганини тушунарди.

Гитлер фашизми бутун Европага хужум килган пайтда, Германияни тарк этиб, “Будденброклар”, “Чўл бўриси” сингари романларни ёзган, фашизмга карши курашган Томас Манн, Герман Гессе сингари немис ёзувчиларини, Чингиз Айтматовнинг совет тузуми одамларни манкуртга айлантиргани тўгрисидиги “Кунда” романини, Абдулла Ориповнинг кизил мамлакатни мадх эт деган пайтда, “Ўзбекистон – менинг Ватаним” дея ёзган асарларини тушунарди. Ва ўзи хам юкорида кайд этилган асарлардан колишмайдиган “Улугбек хазинаси”, “Диёнат”, “Осий банда” сингари асарларни ёзди. Миллатимиз тортган жабру – зулм хакида Москвада тап – тортмай, мардонавор нутк сўзлади.

Одил Ёкубов ижоди, ўзбек халкининг минг йиллик хаётини ўз ичига камраб олган. Бундай кенг давр, ўзбек ёзувчилари орасида бирор ижодкорга насиб этган эмас. Ибн Сино хазратлари даври, Мирзо Улугбек даври, Отакўзи акалар даври бутун кўлами билан рўй – рост ва бир умр калбда муҳрланиб коладиган даражада мухабbat билан ёзилган.

Фотограф Абдугани Жумаевнинг Одил Ёкубовни туширган бир фотоси бор. Фотограф

бу расмни Одил акага кўрсатганда, Одил ака уни чапаничасига эркалаб сўкади. Фотограф шундан буён хазиллашиб, Одил ака, сиз мени онамни сўккансиж, энди мен сизга ўгил бўлдим,” – дея завқ билан айтиб юради. Одил аканинг сўкишига сабаб, фото шундай зўр чикканки, даврнинг хар бир лахзасини хис килиб турувчи нозик ва ўта хиссиётли юраги, дард – изтироблари, кўйингки сийратидаги асл киёфаси акс этган. Гўё унда инсоннинг эмас, хакикатнинг кўзи караб тургандай эди. Бу гениалъний суратни кўриб, Одил акани согиниб йиглайсиз, ичингиздаги бор гапни пицирлаб гапирасиз, ўртанасиз, “Сизни яхши кўраман!” – деб, ўкирасиз.

Суратдаги бу киёфани, Одил аканинг сўнгги кунларида, у кишини зиёрат килиб, хайрлашаётганимда яна кўрдим. У пайт Одил ака билан бир умрга, сўнгги бор хайрлашаётганимни билмаган эдим. Аксинча, “Сизнинг асарларингиз Нобель мукофотига кўйилиши керак” – деб, курашга чорлаган эдим.

Шунда Одил ака: – “Хозир мукофотга кизикиш ёшидан ўтганман. Бир култум нафас хозир мукофот бўлиб турибди. Фарзандларим, набираларим, дўст – ёр билан икки оғиз сухбатлашиб ўтириш мукофот бўлиб турибди. Худо, умримга яна бир кун кўшиб берса, шу бир кун хам мукофот. Хозир хотиним бир пиёла чой олиб келса, хузур килиб ичсан, шу хам мукофот. Хаёт – ганимат. Хамма бир бирига ганимат. Яшаб туришнинг ўзи ганимат. Хар бир одам билан кўришишни баҳт деб билинг, мукофот деб билинг. Хатто энг разил одам бўлса хам, Худо уни яратганини, нимадир максадда, атайлаб бирор яхшилик учун яратганини унутманг. Бир – бирларинг билан ахил бўлинглар.

Халкнинг мухаббати энг катта мукофот эканини унутманглар. Мана эртами кечми кетаман, сиз ёшларнинг яхши асарларингиз, ўзбек халки кўксига такилган мукофот. Битта ёзувчи учун шунинг ўзи етарли. Сог бўлинглар, саломат бўлинглар”.

Кишига хотирачалик хеч нарса хиёнат килмайди. Одил ака, мен туғилиб ўсган Ховосда бўлган, Тошкентдаги хонадонимизда азиз меҳмон бўлган, болаларимни набираларим деб эркалаган, кўпроқ мен у кишининг хонадонларида бўлганман, телевидения, радио учун сухбатлар уюштирганман. Лекин жуда кўп нарсалар хотирамдан абадул – абад ўчиб кетган. Уларни тиклай олмайман. Одил ака хеч качон ўлмайди деб ўйлаганман. Агар у кишининг сухбатларини тиклашим ва буни ёзишим мумкин бўлганида, бутун ижодим давомида килган энг буюк ишим шу бўларди.

Бахтимизга Одил Ёкубов асарлари хакикатнинг ёник машъаласидай кайта – кайта чоп этилиб турибди, бутун дунёдаги миллионлаб ўкувчилари томонидан севиб ўкилмокда, мутолаа этилмокда.

Качонки хаётнинг енгил – елпи томонларида юриб чарчаганимизда, ўткинчи ва соҳта туйгулар хакда ёзишдан безганимизда, хаётга жиддий ва тўгри кўз билан карашни истаб колганимизда, албатта Одил Ёкубов асарларига мурожаат киламиз, ва Одил Ёкубов мактабидан паноҳ топамиз!

Мухаммад Исмоил